

Муфтий ҳазратлари бошчилигидаги уламолар «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжидига ташриф буюрдилар



21:21 / 29.06.2021 1124

Бугун Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари ҳамда Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин домла Холиқназаров пойтахтдаги Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жоме масжидига ташриф буюрдилар.







Муфтий ҳазратлари намозхонларга мамлакатимизда диний-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар ҳақида тўхталдилар.



- Бугуннинг ўзида, - деди муфтий ҳазратлари, - Тошкент вилоятида қурилаётган “Хўжакент” масжидини бориб кўрдик. Шунингдек, айти пайтда юртимизда кўплаб масжидлар қайта қуриляпти. Қувонарлиси, айрим масжидлар йўл бўйига яқин жойга кўчириляпти. Бунга мисол тариқасида Оҳангарон туманидаги иккита масжидни келтириш мумкин.

Суҳбатдан сўнг масжиди ноиб имоми Ҳасанхон қори бошчилигида Қуръони карим ҳамда Абу Исо Термизийнинг “Шамоили Муҳаммадия” китоби хатм қилинибди. Муфтий ҳазратлари хатм дуоларини қилиб бердилар.

Аллоҳ таоло дуоларимизни қабул айласин!